
Сир айтаман армонга,
Гул тутаман хижронга,
Термуламан осмонга,
ЯНА СОҒИНДИМ, Я
84
Айриликнинг жабрига,
Кўнгли, юрагим кўнгли.
Ёнгиз ўтай майлига,
Энди севмайман энди...
Эй дўст, яхшиликнинг умри узоқдур,
Ёлғончилик неудр, охири чоҳдур,
Олгин ота-онанг дуосин эй дўст,
Хато ёзма кўнгил иншосин эй дўст...
АХАД ҚАЮМ
Сени ўйлаб, кўзга ўйсу,
Келмасми?
Сени ўйлаб, дилда қайғу,
Тинмасми?
Севсанг севмасанг,
Билсанг билмасанг,
Менга барибир,
Келсанг келмасанг...
Кимнидир севганмисан,
Сизнинг юрак юрагу,
Бизники юракмасму.
Сизга висол керагу-
Бизларга кеpакмасму?
Ман, яна ман,
Севиб қолдим ман.
Бир сени ўйласам,
Фақат ёндим ман.
Янги нашр!

Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предыдущих
выдач

1.12.22 й

# АҲАД ҚАЮМ

# ЯНА СОҒИНДИМ, ЯНА...

**Шеърлар ва қўшиқлар**

2394




2394

"БУХОРО" НАШРИЁТИ — 2010 йил

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

Аҳад ҚАЮМ 1987 йил 15 июнда Бухоро вилояти Шофиркон тумани Денов қишлоғида туғилган. 2004-2008 йилларда Тошкент Давлат Ахборот Технологиялари Университетида таҳсил олган. Шу билан биргаликда "Муҳаммад Юсуф" номидаги адабий ижтимоий фонд қошида "Олтин Қалам" газетасида муҳаррир ўринбосари вазифасида ишлаб, бадиий ижод билан шуғулланган. Аҳад Қаюмнинг қатор шеърлари таниқли қўшиқчилар томонидан куйлаб келинмоқда. Аҳад Қаюм "Шу Ватан" қўшиғи учун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг махсус сертификати билан тақдирланган. У "Жийда гули" телесериали учун ёзилган махсус шеърлар ва қўшиқларнинг, шунингдек 2010 йилдаги темирйўлчилар мадҳиясининг ҳам муаллифидир. "Яна соғиндим, яна" қўшиғи 2009 йилда "энг яхши соғинч ҳақидаги қўшиқ" ва "йилнинг энг хит таронаси" деб эътироф этилган.

Ҳозирда у Мусахон Нурматов, Азиз Ҳудойқулов, Нодир Арақулов, Нодир Умаров, Озодбек Назарбеков, Абдуҳошим Исмоилов, Зулайҳо Бойхонова, Мансурхон Нурматов, Ботир Қодиров, Хуршид Расулов, Ғуломжон Ёқубов, Ғиёс Бойтоев, Дилшод Раҳмонов, Дилдора Ниёзова, Анвар Ғаниев, Анвар Санаев, Анвар Собиров, "Сарбон" гуруҳи, Шуҳрат Қаюмов, Ўлмас Оллоберганов, Сойиб Ниёзов, Сардор Раҳимхон, Алишер Файз, Анор Назаров, Дилором Омонуллаева, Шерали Жўраев, Шоҳжаҳон Жўраев, Зоҳиршоҳ Жўраев, Сарвара, Ойбек Ҳамроқулов, Отабек Раҳим, Баҳром Назаров, Жасур Умиров, Элдорбек, Мурод Манзур, Раҳматулла Раупов, Юнусбек Юсуф, Фазлиддин Раҳмон, Фарҳод Файз, Наргис, Афсона, Шоҳруҳхон, Сирожиддин, Рухшона Далер, "Уммон" гуруҳи, "Парвоз" гуруҳи, Ўктам Мирзо, Мурожон Сойибназаров каби санъаткорлар билан доимий ижодий ҳамкорликда. Аҳад Қаюм бугунги кунда ижодини актёрлик ва қўшиқчиликда давом эттирмоқда. У "Ҳаёт жилғалари"да Дамин, "Девона фаришта"да куёв, "Жийда гули"да Аҳад Қаюм, "Танго ёхуд адашган совчилар"да Рустам, "Юз кун" фильмларида дўст образларини талқин этди. Қолаверса, "Жийда гули", "Беғубор орзуларим", "Девона фаришта", "Умид", "Сабоқ", "Дада", "Сароб", "Танго ёхуд адашган совчилар", "Фармацевт" фильмлари учун ёзилган махсус қўшиқ (саундтрек)ларнинг ҳам матни муаллифидир.

2010 йилдан адабиёт ва санъатга ихлосманд ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган "Аҳад Қаюм ижоди" продюссерлик марказининг раҳбари сифатида фаолият олиб бормоқда.

Ижодкорнинг ушбу китоб номи билан аталган овозли аудиотўплами мухлисларга тақдим этилган. Шоирнинг кўнгил маҳзанидан чиққан мисралари ҳар қандай ўқувчини ўйга солади, қувонтиради, қалбининг энг нозик жойларини чертиб ўтади. Ўқувчи беихтиёр шоир ташвиш-у изтиробларига шерик бўлади. Ижодкорнинг юзлаб ижод намуналари ичидан саралаб олинган ушбу гулдастаси Сиз азиз китобхонни ҳам бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз...



## ЯНА СОҒИНДИМ, ЯНА...

Кеча бағримда эдинг,
Бугун олиссан мана.
Нечун йироқлаб кетдинг,
Яна соғиндим, яна.
    Сир айтаман армонга,
    Гул тутаман ҳижронга,
    Термуламан осмонга,
    Яна соғиндим, яна.
Ёрингман де суй мани,
Дийдоримга тўй мани,
Кечирмайман деййман-у,
Яна соғиндим, яна.
    Жодули кўзларингни,
    Меҳрли сўзларингни,
    Ширин нафасларингни,
    Яна соғиндим, яна.
Нурсиз кунга ўхшайман,
Ойсиз тунга ўхшайман,
Сенсиз қандай яшайман,
Яна соғиндим, яна.
    Ўтмайди ҳеч кун-сана,
    Хотиранг қилар таъна,
    Юрак бўлди ғамхона,
    Яна соғиндим, яна.
Илк бора Аҳад Қаюм
Кўз ёш тўкмоқда гулим,
Сендадир ҳамон кўнглим,
Яна соғиндим, яна.
    Сир айтаман армонга,
    Май тутаман ҳижронга,
    Термуламан осмонга,
    Яна соғиндим, яна...

**09.11.2008 йил**

## МАН, ЯНА МАН...

Ким мен деб йиғлади, кимдир кечирди,
Кимнинг дарди менга оғу ичирди,
Кимдир юрагидан буткул ўчирди,
Охир ҳаммасига бир-бир кўндим ман,
Бир сени ўйласам, фақат ёндим ман.

Юракка нимадир ботиб бормоқда,
Аламлар қатма-қат ортиб бормоқда,
Бориб-бориб бағрим қотиб қолмоқда,
Хаттоки дунёдан, совиб қолдим ман,
Бир сени ўйласам, фақат ёндим ман.

Кўнглим чинор каби куйиб қолибди,
Ишқ дарди ичимни ўйиб олибди,
Тагидан янги бир ниҳол унибди,
Япроқларин силаб синиқ кулдим ман,
Бир сени ўйласам, фақат ёндим ман.

Келиб кўр кўксимда нишлар изи бор,
Тилларим учида тишлар изи бор,
Елкамда иккита қушлар изи бор,
Қуш эдим қайларга билмай қўндим ман,
Бир сени ўйласам, фақат ёндим ман.

Бунақа дард билан яшаб бўлмайди,
Юряпман, бир жойда тўхтаб бўлмайди,
Аввалги Аҳадга ўхшаб бўлмайди,
Ҳамма жароҳатим бир-бир кўмдим ман,
Бир сени ўйласам, фақат ёндим ман.

Ман,
        наҳот яна ман,
                севиб қолдим ман...

**5.06.2009 йил.**



*******

Камми-кўпми яшадим эй дўст,
Кўп ишларга балки улгурдим.
Ҳар кун тонгда ўйлайман ҳануз,
Бугун балки охирги куним.
    Эртага ҳам режам кўп гарчи,
    Армонларим кўпи бирламчи,
    Ажал ногоҳ тортади қамчи,
    Бугун балки охирги куним.
Сўзим эшит сирдошим соат,
Ёниб-ўчар онмиз омонат,
Балки эрта бўлар қиёмат,
Бугун балки охирги куним.
    Дуо қилинг мени онажон,
    Юраккинам оғрир чалажон,
    Кетсам, рози бўлинг дадажон,
    Бугун балки охирги куним.
Хафа бўлма мендан дўстгинам,
Сени билмай ранжитган бўлсам,
Ортимдан тош отмагин ўлсам,
Бугун балки охирги куним.
    Ижодим деб, бахтимдан кечдим,
    Қанча йиллар заҳрини ичдим,
    Бир шам каби ёндим-у ўчдим,
    Бугун балки охирги куним.
Бугун балки охирги куним,
Соғинаман сингилларимни.
Бир меҳрибон акадай бўлиб,
Ололмадим кўнгилларини.
    Тошдан баттар экансан кўнглим,
    Нима десанг барига кўндим,
    Севги дединг, севдим ўйламай,
    Ишқ дардига энди тушундим...
Қалбим ичра минг битта тилак,
Умр оқар, тилимда эртак,
Бунчаларам ҳовлиқдинг юрак,
Бугун балки охирги куним.

**18.01.2010й.**

## ЭЙ ДЎСТ!

Туғилмоқ, яшамоқ ҳар бир бошда бор,
Кимларга омад ёр, кимлар бахтга зор,
Кимнингдир гул умри сўлганда бекор,
Ўйла, бу умрнинг савдосин эй дўст,
Тингла бу кўнгилнинг садосин эй дўст.
Эй дўст, яхшиликни умри узоқдур,
Ёмоннинг ҳар босган изи тузоқдур,
Ёлғончилик недур, охири чоҳдур,
Олгин ота-онанг дуосин эй дўст,
Хато ёзма кўнгил иншосин эй дўст.
Бахтнинг илдизи бу сабр дегани,
Эй дўст бесабрлик жабр дегани,
Яхшилик охири қадр дегани,
Тушун, зарҳикматлар маъносин эй дўст,
Кўтарма нодонлар ғавғосин эй дўст.
Севгини рад этмоқ гуноҳдир азал,
Ўзга юрт ватандан бўлолмас авзал,
Энг аввал дилхонанг безатгин гўзал,
Топгайсан ҳар дарднинг давосин эй дўст,
Қилмагин буюклик даъвосин эй дўст.
Атрофга боқ, сендан пастроқларам кўп,
Душманлар ичида дўстроқларам кўп,
Гулзорлар ичинда тузоқларам кўп,
Оларсан роҳатлар жазосин эй дўст,
Орттирма жонингни жафосин эй дўст.
Сен учун Аҳаддан шарҳи насиҳат,
Бир яхши, бир куни ёмон вазият,
Бир куни чекмайин десанг азият,
Танигин оламлар подшосин эй дўст,
Қилмагин гумроҳлар хатосин эй дўст.
Эй дўст, яхшиликни умри узоқдур,
Ёмоннинг ҳар босган изи тузоқдур,
Ёлғончилик недур, охири чоҳдур,
Олгин ота-онанг дуосин эй дўст,
Хато ёзма кўнгил иншосин эй дўст.

**03.01.2011й.**



## ҚАДАМЛАР ҲИКМАТИ...

Холис ҳукм сари бу умр карвон,
Қалбим ниғоҳлари олисни кўзлар.
Кўзларим умидда, йўлларим равон,
Қадамлар ҳикматин ўйлайман дўстлар.
Йиғладим, оқибат остонасида,
Киролмай муҳаббат кошонасига,
Сонсиз гуноҳларнинг вайронасида,
Қадамлар ҳикматин ўйлайман дўстлар.
Бу дунёда ҳар ким бир йўл излайди,
Кимдир пул, кимлардир кўнгил излайди,
Кимдир ғамнок, кимдир бахтдан сўзлайди,
Қадамлар ҳикматин ўйлайман дўстлар.
Ёвга инсоф тилаб, дўстга ярасам,
Ҳақдан янги кунга мазмун сўрасам,
Дилимда минг афсус ортга қарасам,
Қадамлар ҳикматин ўйлайман дўстлар.
Қай бир қадам менга омад келтирди,
Қай бир қадам менга кулфат келтирди,
Гоҳ олдимда минглаб ёлгон йўл турди,
Қадамлар ҳикматин ўйлайман дўстлар.
Кўзгуга тикилиб, кўзимга боқсам,
Ўзимни излайман, ўзимга боқсам,
Наҳот шу мен дейман изимга боқсам,
Қадамлар ҳикматин ўйлайман дўстлар.
Юрак амри билан ақл чалкашди,
Оёқ эса аросатда адашди,
Ким молим, ким жонимга кўз қадашди,
Қадамлар ҳикматин ўйлайман дўстлар.
Ватанда азиздур, ҳар бир қарич ер,
Кимдир шу тупроқдан ҳаром ҳариж ер,
Ҳали манзилгача бордир қанча йўл,
Қадамлар ҳикматин ўйлайман дўстлар.

**17.01.2010й**

## ОҚИБАТ

Ота бўлмай, тушунмайсан отангни,
Она бўлмай, тушунмайсан онангни.
Ҳаволарга сарф этмайин кучингни,
Адо этгин, сен фарзандлик бурчингни.
Сен ёлғончи ялдоларга учмагин,
Молу дунё, тиллоларга учмагин.
Сенга ёрдам бергай рўзи охират,
Оқибатдир, оқибатдир, оқибат.
Онанг пойин бир бор тавоф айласанг,
Шу амал деб не тонг жаннатга тушсанг.
Агар бугун хабар олсанг отангдан,
Бу яхшилик эрта қайтар болангдан.
Савобларга тўлсин десанг гар рўзим,
Оқибатнинг жиловин қўйма дўстим.

**27.12.2009й.**

## ОРЗУ

Отам, онам билан танишганида,
Тақдирин бирга ҳал қилишганида,
Ният қилганида гар ўғил кўрсак,
Шоир қиламиз деб келишганида.

Камида Навоий бўлардим бугун,
Ўрнига чиқардим балким Пушкинни,
Мен майдонга чиқсам адабиёт, фан,
Дунё тан олмасди мендек ҳеч кимни.

**21.04.2009 йил**

*******

Мабодо мен рассом бўлсайдим агар,
Шундай бир антиқа сурат чизардим:
Тасвирда дарахтлар пинҳон сўзлашар,
Қушларнинг нафасин унда сезардим.
Ҳайкалтарош уста бўлсайдим агар,
Шундай бир хурлиқо сиймо ўярдим,
Мафтун бўлмасин деб ошиқ телбавор,



Ёнига жуфтини ясаб қўярдим.
Ёинки бастакор ҳофиз бўлсам ҳам,
Оламда ягона яратардим куй,
Ором олар эди тинглаган одам.
Илдизлар қўшилиб қилармиди тўй…
О, дўстлар, мабодо бўлсайдим табиб,
Беморлар дардига топардим даво,
Бутун дунё кезиб, излаб-ахтариб,
Жонимга атардим энг тансиқ ҳаво.
Афсус, энди бунинг энди иложи йўқдир,
Табиат қилибди менда моҳирлик,
Майли, нима дердим, бу ҳукми тақдир,
Менга насиб бўлди касби шоирлик.
Айтмангким, шоирда юмуш йўқми деб,
Бунда ҳам мен сизга қилурман ваъда,
Шундай шеър битайки, сиз уни ўқиб,
Ҳаётга талпининг, дўстлар, янада…

**06.11.2007й.**

*******

Мен аслида нима топдим шу,
Икки сатр ноламдан бошқа,
Юрагимга из солган қайғу,
Дил ўртаган аламдан бошқа.
Дўст сўзини таҳлил этмоққа,
Ғанимларим бердилар кўмак.
Оқни оқ деб аниқ айтмоққа,
Керак экан қора ҳам демак.
«Афсус қадам босганман эгри»,
Бундай ҳислар кўҳна ва қадим.
Билмадим қай аъмолим тўғри,
Хатоларим кечроқ англадим.
Баъзан дейман мен кимман ўзи,
Яшамоқдан борми мақсадим?
Заҳмат тотсам вақт ўзи қози,
Уни ажримчи деб атадим.
Кузатсам гар зимдан муҳитни,
Айбим аниқ кўринар шу он.
Мезонталаш фаросат дидни,
Танқид этмоқ ҳаммадан осон.

Етар, юрак чиранмоқни қўй,
Ким тингларди ахир додингни.
Эрк ҳақида сургунингча ўй,
Жоним асра бор бисотингни.

Тушунгинда одамни сен ҳам,
Танлаб бўлмас қараб кўз қошга.
Айт не қилай йўқлаб келса ғам,
Дўст топмасам қаламдан бошқа.....

**31.10.2007йил.**

*******

Соат тинмай чиқиллар,
Юрак тинмай дукиллар.
Уйғотмоқда вақт мени,
Уйғотмоқда Ҳақ мени.

Қулоғим шанғий бошлар,
Ақлим ҳам гангий бошлар.
Босар нохуш ваҳима,
Роҳатга – дард жарима.

Ичим армонга тўлди,
Кўзларим қонга тўлди.
Кутмай қўйдим ўлимни,
Ундан ювдим қўлимни...

Соатнинг ўз занги бор,
Юракнинг ўз бонги бор.
Иккови ғалма-ғалдан,
Ўчин олади мандан...

**22.07.2009 йил**

*******

Ҳаммаси яхшийди, дунё тинч эди,
Эй воҳ, токи **СИЗ**ни учратмагунча,
Ҳаммаси яхшийди, дунё тинч эди,
Дунё иккимизни ажратмагунча...

Буни ҳеч ким сезмади бироқ...

**20.07.2009 йил**



*******

Севги шундай туйғуки,
Ўз ўтингда ёнасан,
Севги шундай орзуки,
Тушингга ишонасан.
Севги шундай уйқуки,
Лаҳзада уйғонасан,
Севги шундай ёғдуки,
Хаёлга парвонасан.

Севги шундай кулгуки,
Йиғлайсан, қувонасан,
Севги шундай қайғуки,
Дунёдан бегонасан.
Севги шундай мангуки,
Оламга афсонасан,
Севги шундай қўркувки,
Йўқотсанг вайронасан.

Севги шундай оғуки,
Аҳад, ичсанг қонасан,
Севги шундай чолғуки,
Висол куйин чаласан.

**24.07.2008 йил.**

*******

Пойингизда хор бўлган,
Бағрингизда тор бўлган,
Меҳрингизга зор бўлган,
У менинг қалбим эди.
Арзонларга сотдингиз,
Бозорларда тортдингиз,
Яна тошлар отдингиз,
У менинг қадрим эди.

Ёлғонларга алмашган,
Севаман деб алдашган,
Сизни танлаб адашган,
У менинг бахтим эди.
Фалакларга сачради,
Ёмонлардан чарчади,
Мудом сизга учради,
У менинг дардим эди.

Юрак қонимдан тушган,
Кейин дилларни қучган,
Қўлларимдан сув ичган,
У менинг сатрим эди.
Ошиқ Аҳад кўз илган,
Аввал ҳам кўп қазилган,
Муҳаббат деб ёзилган,
У менинг қабрим эди.

15.01.2009й.

*******

Қизғалдоққа айлансайдим қизғалдоққа,
Ёқармидим балким сендек қизалоққа,
Маҳкам қучиб, маҳкам қучиб асрар эдинг,
Мени ташлаб кетмас эдинг ҳеч қаёққа.
Қани энди қўлларингда узук бўлсам,
Пешонангда ялтираган ёзиқ бўлсам,
Ҳеч бўлмаса айлансайдим бармоғингга,
Кулганингда лабларингни тўсиб турсам.
Мендан кўра бахтлироқдир лаб бўёғинг,
Ҳар кун, ҳар кун сочинг силар ул тароғинг,
Мендан кўра кўпроқ меҳринг кўзгу олган,
Мендан кўра меҳринг олган тош тирноғинг.
Хаёлингга айлансайдим хаёлингга,
Ўшал онда етар эдим висолингга,
Севаман деб юз бор айтинг Аҳадга деб,
Минг бор буйрук берар эдим томоғингга.
Армон экан, бу ҳам битта армон экан,
Суйганингга етолмасанг ёмон экан...

27.03.2009 йил

*******

**Назаримда Нилуфар**
**Нозик Навниҳолдексан,**
**Назокатинг Нақшида**
**Найсон, Навбаҳордексан.**
**Нигоҳларинг Нурафшон**
**Ниҳоят Ниҳон Неъмат,**
**Наргисдан-да Навраста**
**Нафаси Наҳордексан.**



*******

Қизиқ, соғинчнинг ҳам ҳиди бўларкан,
Кўнгилнинг фаросат диди бўларкан,
ЮРАК билан АҚЛ уришиб қолса,
Ҳар оқшом ХАЁЛда СУДи бўларкан.

Омаднинг кулфию, коди бўларкан,
Орзу ҳавасларнинг ОТи бўларкан,
Кўксимда СЕВГИнинг етим боласи-
Демак АРМОНнинг ҳам зоти бўларкан.

2.05.2009 йил.

*******

**Кута –Кута Кўнди Кўнгил Келмандингиз,**
**Куя-Куя Кўпайди Кул Келмандингиз,**
**Кабутардек Кўкка Кўчиб Кетаяпман,**
**Кудурат Комидан Кечиб Кетаяпман,**
**Кулиб-Кулиб Кiролмайман Кўчангизга,**
**Кўринолмам Кўркам Кундуз-Кечангизга.**
**Кўзимдаги Кўзбойлоғич Камар Каби,**
**Куйларимда Каломдирсиз Кадар Каби.**
**Кетдингиз-у Кузлар Келди, Кузлар Келди,**
**Кимлар Кетиб, Кимлар Келар Кезлар Келди.**
**Куйдирганим Куюнмангиз Кечирганман,**
**Кузларимни Кўкламларга Кўчирганман.**

*******

Соғинчимнинг ниҳояси йўқ,
Ширин жонни қийнаб юрибман,
Дилим чўккан, маюс ва синиқ,
Сен ҳақингда ўйлаб юрибман.
Не қилай айт бундай чоғларда,
Юрак тўлган қора доғлардан,
Ҳасрат сочиб хазобоғларда,
Сен ҳақингда ўйлаб юрибман.
Беморман, ёлғизман, танҳоман,
Савдойи ошиқман шайдоман,
Ўз қасрimга сиғмаган султон,
Ўз хожаси безор гадоман.

Маҳзун оҳанглардан чарчаган юрак,
Қонлари фалакка сачраган юрак,
Бедаво бир дардга учраган юрак,
Уни яна қайраб юрибман.
Кўнгил ҳеч азобга кўнмайди,
Минг ўксиб йиғлайди, тинмайди,
Ишларим юришмас унмайди,
Эгилсамда синмай юрибман.
Тўлдирай деб турмуш камини,
Пинҳон тутиб кўзнинг намини,
Четга суриб башар ғамини,
Тил учида сайраб юрибман.
Эй толеъ юлдузим қайдасан,
Айт қачон ўзимга қайтасан,
Бунчалар кичкина майдасан,
Хаёлимни чайнаб юрибман.
Зарб ила тортилган асаблар,
Ўтларга йўналган ғазаблар,
Ким сени бунчалар азоблар,
Шайтонларни сийлаб юрибман.
Куймоқда тан-у жон, забоним,
Ўзига қасдлашган замоним,
Тўсиқ-ку тўрттала томоним,
Мен нимага яйраб юрибман.
Бир зум юриб, бир зумга тўхтаб,
Яшасамда азобда қақшаб,
Ўзим билган Аҳадга ўхшаб,
Фақат сени излаб юрибман.

**19.07.2008 йил**

*******

Дардим ҳам сен, табибим ҳам сен,
Ағёрим ҳам, ҳабибим ҳам сен,
Қисматимда битган тақдирим,
Дўстим ҳам сен, рақибим ҳам сен.

Яхшим ўзинг, ёмоним ўзинг,
Орзум ўзинг, армоним ўзинг,
Ўзингдурсан тўртта томоним,
Ростим ўзинг, ёлғоним ўзинг.



Сени ўйлаб аросатдаман,
Ўз-ўзимга рақобатдаман,
На уйқу, на ором билайин,
На шаҳду, на маҳоратдаман.
Тенгим ҳам сен, тенгсизим ҳам сен,
Шукрим ҳам сен, афсусим ҳам сен,
Йўқлик дейми, сени борликми,
Саҳром ҳам сен, денгизим ҳам сен.

**18.11.2009й**

*******

Чуқурлашиб кетдим ўзимга ўзим,
Хаёлим тилимда чайналиб кетди.
Юрагим ақлимга айтолмай сўзин,
Қийналиб,
Қийналиб,
Қийналиб кетди...

Йиғирманчи аср йиғлар пойимда,
Бизни қутқар дейди минглаб даҳолар,
Энг зўр ғоялар ҳам бугун уйимда,
Шеърларимни ўқиб қўяр баҳолар.
Менга устозимни ғийбат қилишиб,
Устозимдан менинг нархим сўрарлар.
Кимнидир қўлида писта бўлишди,
Биз куёшмиз деган кунгабоқарлар.
Қўрқаман,
Ҳақиқий ўйин олдинда,
Кимдир, мени зимдан синаётгандек.
Кимгадир дўстман деб қўлим узатсам,
Шошма деб оёғим йиғлаётгандек.
Мени тинч қўйинглар,
Сизга керакман,
Лойқаланган сувда юзингиз ювманг.
Баҳорда булбулни йиғлатиб қўйиб,
Илтимос, тулкининг ортидан қувманг.

Ҳали айтиб ўтдим,
сизга керакман,
Бироз сабр қилинг сўзимни топай.
Сизнинг болангизга ҳақни ўргатиб,
Бобонгизни очиқ кўзларин ёпай.
Менинг санъатимни савдо қилганлар,
Эртага отасин нархин талашар.
Менинг хаёлимни лойқалатганлар,
Эртага балчиқдан ҳамён излашар.
Чуқурлашиб кетдим . . .
Ортимдан келманг!
Мен бошлаган ўйин СИЗга – қиморнас.
**9.03.2009 йил**

*******

Шеър экан деб ҳамма гапни ёзаверсанг,
Тилла бор деб ҳамма жойни қазаверсанг,
Йўқ пулингга йўқ режалар тузаверсанг,
Қураман деб борини ҳам бузаверсанг.

Яшайман деб, нафасингни бўғиб қўйма,
Қадр сўраб бор обрўйинг тўкиб қўйма,
Замон қизиқ билмасдан ҳам сўкиб қўйма,
Сув йўқ жойда атиргулни экиб қўйма . . .
**15.03.2009 йил**

*******

Олтин деб олганим мис бўлиб чиқди,
Баҳор деб борганим куз бўлиб чиқди,
Эккан ниҳолларим хас бўлиб чиқди,
Фалакнинг тескари боққанин қаранг,
Душман деб билганим дўст бўлиб чиқди.

Дўстимсан деганим ўғрикўз чиқди,
Фирибгар деганим тўғрисўз чиқди,
Мардлигин мақтаган беномус чиқди,
Битта қиз юз бурди кеча севгимдан,
Бугун рўпарамдан қирқта қиз чиқди.
**23.03.2009 йил**



*******

Ҳаммасига . . .
Ҳаммасига чидайман . . .

Умрим ўтиб кетсин ёмғир остида,
Юлдуз нималигин майли унутай,
Булутлар уюми бошимда турсин,
Қуёшнинг исмини майли эшитмай.
Тушимда ҳам кўрмай ойнинг рухсорин,
Нафасимдан зулмат шарпаси келсин,
Кўзларимда синсин умид учқуни,
Юрагимда армон денгиздай тўлсин . . .
Изтироб,
Изтироб,
Фақат изтироб,
Тиканлар устидан юрарман гулдек.
Илонни булбулдек ошно этарман,
Қулларга эҳтиром этурман қулдек.
Майдонларда асло,
Асло кўринмам,
Ҳеч ким учратмайди мени шаҳарда.
Сир,
Сир,
Сир,
Фақат сир . . .
Дунёйим ичра,
Нонушта қилурман ҳар тонг заҳардан.

Фақат . . .
Фақат сен . . .
Сен кечирдим десанг . . .
**9.03.2009 йил**

*******

Сени ўйлаб, кўзга уйқу,
Келмасми?
Сени ўйлаб, дилда қайғу-
Тинмасми?

2394
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI AXBOROT RESURS MARKAZI 1-FILIALI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI AXBOROT RESURS MARKAZI